

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва Ўрта махсус таълим вазирлиги

Тошкент молия институти

“Бюджет ҳисоби” кафедраси

**“ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ҒАЗНАЧИЛИК
ИЖРОСИ ВА УНИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ”**

мавзусидаги

РЕФЕРАТ

Тошкент - 2016

Режа:

- 1. Давлат бюджетини бошқаришда ғазначиликнинг аҳамияти**
- 2. Ғазначилик тизимининг моҳияти ва афзалликлари**
- 3. Ғазначилик тизимининг вазифа ва функциялари**

1. Давлат бюджетини бошқаришда ғазначиликнинг аҳамияти

Давлат бюджети тизимидаги институтционал ислохотлар

- ❖ Бюджет ташкилотларини молиялаштириш тартибини белгилаш
- ❖ Бюджет таснифини такомиллаштириш
- ❖ Урта муддатли бюджетларни шакллантириш
- ❖ Ғазначилик тизимини жорий қилиш

- ❖ Давлат бюджетини самарали бошқариш;

- ❖ Давлат бюджети маблағларидан самарали фойдаланиш;

- ❖ Бюджет маблағларидан мақсадли фойдаланиш устидан назоратни кучайтириш;

- ❖ Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тайёрлаш муддатини қисқартириш ва сифатини янада яхшилаш.

Ғазначилик тизими - бюджетдан маблағ олувчиларнинг мажбуриятини ижрога қабул қилади ва кейин тақдим қилинган маҳсулотлар ва курсатилган хизматлар учун ғазначилик уларнинг номидан ва уларнинг топширигига асосан ваколатни узига олади ва бюджет маблағларини мақсадли ишлатилишини таъминлаш асосида туловни амалга оширади

Ғазначилик — Давлат бюджетининг ижросини таъминлашнинг бир шакли булиб, унда давлат бюджети даромадларини ягона ғазначилик ҳисоб рақамида тўпланишини таъминланади, бюджет маблағларидан фойдаланиш устидан назоратни амалга оширилади, шунингдек давлат ташки ва ички қарзларини бошқаришда хизмат кўрсатади ҳамда бюджетдан ташқари

максадли жамгармалар, бюджет ташкилотларининг бюджетдан ташқари маблағлари пул оқимларини мониторингини олиб боради.

Ғазначилик – жаҳон тажрибаси бўйича умумий қабул қилинган орган ҳисобланиб, давлат бюджети ижросини таъминлайди

Ғазначилик тизими билан ижро этишнинг афзалликлари

- қисқа фурсатларда давлатнинг молиявий ресурсларининг реал ҳажмини ва унинг истикбол курсаткичларини аниқлаш;
- давлат молиясининг ҳолати тугрисидаги тезкор ахборотларни йиғиш, ишлов бериш ва таҳлил қилиш;
- давлат бюджетининг ҳам даромадлари, ҳам харажатлари қисмини қассали ижросининг ҳар қунги мониторингини утқазиш
- тасдиқланган бюджет маблағлари доирасида бюджет ташкилотларини товарлар ва хизматлар етказиб берувчилар олдида мажбуриятлар қабул қилиш босқичида (шартномалар, контрактлар тузиш вақтида) дастлабки назорат қилиш;

Ғазначилик тизими билан ижро этишнинг афзалликлари

- молия органлари томонидан бюджет харажатларини уз вақтида ва манзилли молиялаштириш билан бюджет маблағларини бош тақсимловчилари томонидан суъистемол қилишни ва нотугри ишлатишни олдини олиш мақсадида жорий назорат қилиш;
- бюджет ташкилотлари мажбуриятларини олгандан кейин пул маблағларини ягона газначилик ҳисобрақамидан тугридан-тугри таъминотчиларнинг ҳисобрақамига утқазиш натижасида пул оқимлари ҳаракати бўйича жараёнларни қисқартириш;
- газначилик тизимининг бир поғонасидан иккинчи поғонасига пул маблағларини утқазишни соддалаштириш натижасида газначилик тизимидаги бюджет маблағларини тезкор ишлатиш.

Ғазначилик тадбиқ этилишининг ижобий натижалари

- Қуйи бюджет ташкилотларига маблағларни босқичма - босқич молиялаштириш механизми тугатилди
- Бюджет маблағларининг банклардаги кўплаб ҳисоб рақамларда тарқалиб ётишига барҳам берилди
- Маблағлар ғазначилик ҳисоб рақамида жамланди ва бунинг натижасида тўловларни амалга ошириш, шу жумладан иш ҳақини тўлаш муддатлари қисқарди
- Бюджет маблағларининг айланиш жараёнининг самарадорлиги ошди

Ғазначилик тадбиқ этилишининг ижобий натижалари

- Қуйи бюджет ташкилотларига маблағларни босқичма - босқич молиялаштириш механизми тугатилди
- Бюджет маблағларининг банклардаги кўплаб ҳисоб рақамларда тарқалиб ётишига барҳам берилди
- Маблағлар ғазначилик ҳисоб рақамида жамланди ва бунинг натижасида тўловларни амалга ошириш, шу жумладан иш ҳақини тўлаш муддатлари қисқарди
- Бюджет маблағларининг айланиш жараёнининг самарадорлиги ошди

Ғазначиликка ўтиш босқичлари

- ❖ 2005 йил 1 июндан бошлаб Тошкент шаҳри ва Самарқанд вилоятида давлат бюджети ғазначилик ижросининг баъзи элементлари тажриба учун тадбиқ қилинди;
- ❖ 2006 йилдан давлат бюджетининг ғазначилик ижроси етти вилоятга босқичма-босқич тадбиқ этилди;(Самарқанд, Наманган, Бухоро, Тошкент шаҳри, Сирдарё, Сурхондарё, Хоразм, Қорақалпоғистон Республикаси)
- ❖ Қолган ҳудудлар 2007 йилда қамраб олинади. (Андижон, Жиззах, Кашкадарё, Навоий, Тошкент, Фарғона вилоятлари)

Шарт-шароитлар

❖ Вазирлар Маҳкамасининг 26.04.2002 йилдаги 144-сонли “Давлат молиясини ислох қилиш лойиҳасини амалга оширишга тайёрланиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” Қарори;

❖ Лойиҳани ишлаб чиқиш ҳамкорлари – Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди, Франциянинг иқтисодиёт, молия ва саноат вазирликлари, ТАСИС, ИБР ва АҚШнинг Ғазначилик департаменти.

❖ Ғазначилик тизими



Давлат бюджети ғазначилик ижросига босқичма-босқич ўтиш режаси Ўзбекистон Республикаси Ғазначилигини ташкил этиш концепциясига асосан ишлаб чиқилди

Ғазначиликнинг вазифалари :

- Давлат бюджетининг касса ижроси;
- Давлат бюджети маблағларининг тушуми ва сарфи устидан назоратни амалга ошириш;
- Давлат бюджети маблағларини бошқариш;
- Давлат бюджетда маблағлар назарда тутилган юридик ёки жисмоний шахслар номидан ва уларнинг топширигига биноан туловларни амалга ошириш;
- бюджет ташкилотларининг товарлар етказиб бериш (ишлар бажариш, хизматлар курсатиш) учун тузадиган шартномаларини, шунингдек, буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан капитал қурилиш учун тузадиган шартномаларини руйхатга олиш;
- Давлат бюджети газна ижросининг бухгалтерия ҳисобини юритиш;
- Давлат бюджети ижросининг қандай бораётганлиги тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилиш;

- Узбекистон Республикаси давлат ички ва ташки карзларига хизмат курсатиш, Узбекистон Республикаси кафолатларини бажариш.
- Давлат бюджетининг касса ижроси, жумладан, тушган даромадларни турли даражадаги бюджетлар уртасида таксимлаш, бюджетдан маблаг олувчиларнинг харажатлар сметалари ижроси ва Давлат бюджети ижроси тугрисида хисобот тузиш;
- Давлат бюджети маблагларини ягона газначилик хисобраками, шунингдек, тегишли бюджетлар даромадлари ва харажатлари уртасидаги касса узилишларининг олдини олишни таъминлайдиган худудий газначилик хисобракамларини жорий этиш оркали бошқариш;
- Бюджет ташкилотларининг товарлар етказиб берувчилар билан шартномаларни, шунингдек, Давлат бюджети маблаглари хисобидан капитал курилиш буйича буюртмаларнинг шартномалари харажатлар сметасида курсатилган суммалар ва мақсадларга катъий назорат урнатиш асосида мазкур шартномаларни мажбурий руйхатдан утказиш тартибини жорий этиш оркали бюджет ташкилотларининг мақсадга номувофик асоссиз харажатларни олдини олиш;
- Бюджет ташкилотларини, жумладан мудофаа ва хавфсизлик тузилмаларини молиялаштиришга йуналтирилган бюджет маблагларидан фойдаланишни мақбуллаштириш юзасидан мониторинг олиб бориш, бунда улар томонидан тузилаётган шартномаларнинг сифати таъминланишини, уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нарх-наво ечимини назарда тутиш ҳамда коидага кура воситачилик хизматларидан воз кечиш;

- Харажатлар сметаси ва руйхатга олинган шартномаларда назарда тутилган катъий суммалар доирасида товарлар етказиб берувчиларнинг бевосита хисобракамларига бюджетдан маблағ олувчилар номидан ва уларнинг топшириги буйича туловларни амалга ошириш оркали тулов интизомига сузсиз риоя этилиши устидан таъсирчан назоратни таъминлаш;

- Давлат бюджети газна ижросининг бухгалтерлик ҳисоби ва хисоботини юритиш, давлат бюджети ижроси ҳақида ахборотларни туплаш, қайта ишлаш, ва таҳлил қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг давлат ички ва ташқи қарзларига хизмат курсатиш, Ўзбекистон Республикаси қафолатларини ижро этиш;

- *Газначиликнинг функциялари*

- Бюджет ташкилотлари ходимларига иш ҳақи ва унга тенглаштирилган бошқа туловлар, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ бюджет ташкилотлари томонидан нақд пул маблағлари билан туланадиган бошқа туловларни тулаш учун газначиликнинг банк ҳисоб ракамлардан маблағлар утказди;

- Давлат бюджетида улар учун маблағлар назарда тутилган юридик жисмоний шахсларнинг банк ҳисоб ракамларига суднинг қарори буйича ягона газначилик ҳисобракамидан ёки газначиликнинг бошқа ҳисобракамларидан маблағлар утказди, шунингдек, қонун ҳужжатлари назарда тутилган тартибда давлат органлари ёки ушбу органлар мансабдор шахсларнинг ноқонуний ҳатти ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги натижасида фуқароларга ёки юридик шахсларга етказилган зарарни қоплаш учун маблағлар утказди;

-

- Узбекистон Республикаси Молия вазирлигига ягона Газначилик хисоб ракамида ва худудий газначилик хисоб ракамларида маблагларнинг харакати тугрисидаги хар кунлик ахборотни электрон шаклда такдим этади;

- бюджетидан маблаг олувчиларга улар учун Газначиликда ёки унинг худудий булинмаларида очилган шахсий хисобракамлардан кучирмалар уларнинг харажатларини коплашга бюджет маблаглари утказилганлигини тасдиклайдиган тулов хужжатлари такдим этади;

- манбалар буйича тегишли бюджетлар даромадлари тушуми хисобини юритади;

- Давлат бюджети ижроси жараёнида республика бюджети даромадлари тушуми ва харажатларининг киска муддатли прогнозларини тузади;

- Молия органларининг топшириги буйича юкори бюджетларда назарда тугилган режали дотациялар, субвенциялар, бюджет ссудалари суммасини ва бошка туловларни куйи бюджетларнинг шахсий газначилик хисобракамларига утказади;

- бюджет ташкилотлари ва буюртмачиларининг шартномаларида харажатлар сметасида курсатилган суммалар доирасида ва мақсадларга мувофик тузилиши устидан каттик назорат килиш асосида шартномаларни руйхатдан утказади;

- бюджетдан маблаг олувчилар номидан руйхатга олинган шартномаларда ёки бюджет маблагларини юридик ва жисмоний шахсларнинг хисобракамларига утказиш мажбуриятини юклайдиган бошка хужжатларда назарда тугилган суммалар доирасида

товарларни етказиб берувчиларнинг бевосита банк хисобракамларига утказди;

- бюджет ташкилотларини, жумладан, мудофаа ва хавфсизлик тузилмаларини молиялаштиришга йуналтириладиган бюджет маблагларидан фойдаланишни макбуллаштириш юзасидан мониторинг олиб боради, бунда улар томонидан тузилаётган шартномаларнинг сифатини таъминлашни, уларнинг мақсадга мувофиқлиги ва нарх-наво ечимини ҳамда коидага кура воситачилик хизматларидан воз кечишни назарда тутди;

- счёт-фактуралар ва товарлар етказиб берилиши ҳолатини тасдиқлайдиган ёки бюджетдан маблағ олувчиларга солиқ, йигимлар, ҳамда бюжетга ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамгармаларига мажбурий туловлар учун бюджет маблагларини утказиш мажбуриятини юклайдиган бошка хужжатлар асосида бюджет маблагини олувчиларининг молиявий мажбуриятлари хисобини юритади;

- бирламчи хужжатлар асосида Давлат бюджети газначилик ижросининг тахлилий ва синтетик бухгалтерия хисобини юритади;

- Давлат бюджетининг ижро этилиши хақида ахборотларни туплаш, кайта ишлаш ва тахлил қилиш асосида Давлат бюджетининг касса ижроси тугрисида хисобот тузади ва ушбу хисоботни белгиланган муддатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этади;

- кунун хужжтларида белгиланган тартибда Узбекистон Республикасининг ички ва ташки карзларига хизмат курсатади, Узбекистон Республикаси кафолатларини ижро этади;
- узининг худудий булинмалари фаолиятини тахлил килади ва мувофиклаштиради;
- норматив-хукукий хужжатларни ва методологик материалларни, шу жумладан, Газначилик хамда унинг худудий булинмалари томонидан амалга ошириладиган операцияларни макбуллаштириш, Давлат бюджети ижроси тугрисидаги бухгалтерия хисобини ва хисоботларни такомиллаштириш масалалари буйича норматив-хукукий хужжатларни ва методологик материалларни ишлаб чикишда катнашади;
- Газначилик хамда унинг худудий булинмалари ходимлари малакасини ошириш ишларини ташкил этади ва амалга оширади;